

СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ



Шеннаев Хўжаёр Мусурманович

**Тошкент молия институти "Суғурта ва персия иши" кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди**

E-mail: khshennayev@gmail.com

Аннотация: Мақолада суғурта фаолиятини тартибга солишнинг халқаро тажрибаси АҚШ, Европа Иттифоқи ва унга аъзо-давлатлар, чунончи, Буюк Британия, Германия ҳамда Осиёнинг тараққий этган давлатлари Япония ва Хитой мисолида тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада глобализация шароитида жаҳон миқёсида суғурта фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ ўзгариш ва тенденциялар таҳлил этилган. Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда суғурта фаолиятини тартибга солишнинг илғор ва замонавий шакллари Ўзбекистон суғурта фаолияти амалиётида қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суғурта, суғурта фаолияти, суғурта компанияси, суғурта сектори, суғурта фаолиятини тартибга солиш, суғурта маҳсулоти, суғурта компаниясининг тўлов қобилияти.

Abstract: The article studies international experience in regulating insurance in the USA, European Union and its member states including Great Britain, Germany and developed Asian countries such as Japan and China. The changes and trends related to the regulation of insurance activities all over the world in the conditions of globalization are also analyzed in the article. Based on the research results, the proposals and recommendations on application of advanced and modern forms of insurance regulation in the practice of insurance activity in Uzbekistan have been developed.

Keywords: insurance, insurance activity, insurance company, insurance sector, regulation of insurance activity, insurance product, solvency of the insurance company.

Кириш

Суғурта фаолияти иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларидан тубдан фарқ қилади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, суғурта компанияси дастлаб суғурта маҳсулотини сотганлиги учун суғурта мукофоти тарзида хизмат ҳақи олади. Мобода, суғурта шартномаси амалда бўлган давр ичида суғурта ҳодисаси содир бўлгандагина суғурталовчи зиммасига олган мажбуриятни, яъни "ваъда"ни бажаради. Д. Бланд (David Bland)нинг таъбири айтганда суғурталовчи суғурта қилдирувчига ваъдани сотади [1]. Суғурта компанияларнинг мазкур хусусияти уларнинг тўлов қобилияти мустаҳкам бўлишини ва ҳар қандай ҳолатда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш заруриятини келтириб чиқаради.

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг барчасида суғурта бозори давлатнинг ваколатли идоралари томонидан тартибга солиб борилади [2]. Шуниси диққатга сазоворки, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш давлатларнинг тузилиши, иқтисодий сиёсати ва бошқа омилларидан келиб чиқиб, бир-биридан фарқ қилади. масалан, АҚШда азалдан суғурта фаолиятини тартибга солиш федерал даражада эмас, балки

штатлар даражасида амалга оширилади. Европа Иттифоқида эса суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, бир томондан Иттифоқ доирасида, иккинчи томондан, унга аъзо-давлатларнинг ваколатли идоралари зиммаларига юклатилган. Европа Иттифоқи доирасида Европа суғурта ва меҳнат пенсияси хизмати ташкил этилган бўлиб, у Европа Комиссиясининг мустақил маслаҳат органи ҳисобланади [3]. Унинг асосий вазифаси Европа Иттифоқи доирасида суғурта фаолиятини тартибга солишга оид қонунлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш, аъзо-давлатлар билан келишган ҳолда ушбу ҳужжатдарни Европа Иттифоқи Парламенти ва Кенгашига тақдим қилишдан иборат.

Ҳозирги кунда жаҳонда суғурта фаолиятини тартибга солиш борасида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бунга мисол тариқасида бутун дунёда глобализация жараёнларининг тез суръатлар билан амалга ошиши ва бу ҳолат, ўз навбатида давлатларнинг суғурта фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқлаштириш, суғурта соҳасида мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш бўйича ҳамкорликни кучайтиришни кун тартибига қўймоқда. Глобализация жараёнларининг суғурта фаолиятига таъсири тўғрисида Е.Жегалова ўз тадқиқот ишида тўхталиб ўтар экан, глобализация жараёни алоҳида давлатларнинг жаҳон молия ресурсларидан фойдаланишларига кенг йўл очиши баробарида янги технологияларни жорий этиш ҳисобига молиявий барқарорлигини оширишларига катта имконият яратишини қайд этган [4].

Ўзбекистонда суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича сўнги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарорига [5] асосан суғурта соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини ҳамда ушбу соҳадаги энг яхши жаҳон тажрибаларини изчил жорий этиш мамлакат суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Шунингдек, мазкур қарорда миллий суғурта бозорининг ижобий имижини шакллантириш ва юқори даражада ушлаб туриш ҳамда инвестициявий жозибдорлигини, шу жумладан миллий суғурта бозорини халқаро ва хорижий суғурта бозорлари билан интеграциялаш орқали ошириш вазифаларининг қўйилганлиги, шубҳасиз, илмий тадқиқотчилар олдида суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича халқаро тажрибани изчил ва чуқур ўрганиш, унинг энг сўнги ютуқларини Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантириш ва тартибга солишда қўллаш зарурлигини кўрсатади. Мазкур тадқиқот ишининг мақсади ҳам шунга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Суғурта фаолиятини тартибга солишнинг ҳолати, муаммолари ва истиқболлари хусусида кўплаб олимлар, мутахассислар ҳамда халқаро ташкилот ва компаниялар томонидан илмий ва таҳлилий тусдаги тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Жоржия давлат университети профессори Robert W. Klein (АҚШ) ўз тадқиқотида таваккалчиликларни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш ва суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун суғурта тармоғининг аста-секин ривожланиши давомида тартибга солувчи органлар

ўзларининг назорат қилиш услублари, дастаклари ва сиёсатини яхшилаб борганлигини қайд этган. Унинг нуқтаи назарига кўра, суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича ислохотлар узлуксиз жараён ҳисобланади ва бунга кўплаб омиллар, хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозлари жиддий таъсир кўрсатади [6].

Andy Winkler амалга оширган тадқиқот натижалари 2008-2009 йилда бўлиб ўтган жаҳон молиявий инқирози глобал тизимли аҳамиятга эга бўлган суғурта компанияларининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатгандан сўнг алоҳида давлатлар ва суғурта секторини халқаро тартибга солувчи органлар суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ капиталга ўрнатилган талаблар ва бошқа стандартларни қайта кўриб чиқиш бўйича фаол ҳаракат қилаётганлигини кўрсатган [7]. Тадқиқот муаллифи мазкур глобал суғурта компаниялари ва уларнинг кўп сонли шуъба компаниялари бутун дунё бўйлаб мижозларга суғурта хизматларини кўрсатишлари бир қанча юрисдикцияларни қамраб олган тартибга солувчи органлар фаолиятини тузилмавий қайта кўриб чиқиш зарур деган хулосага келган.

Organization for Economic Co-operation and Development (OECD) экспертлари суғурта компанияларининг турлари суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи давлат органларига таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди [8]. Уларнинг фикрларига кўра, суғурта компанияларининг ҳажми ва мураккаблиги тартибга солувчи орган фаолиятига таъсир кўрсатиши, кўпроқ, тегишли давлат органида ишлайдиган ходимлар сони ва бюджетига таъсир кўрсатади.

Суғурта фаолиятини тартибга солишга оид олим ва мутахассисларнинг қараш ва ёндашувларини таҳлил этар эканмиз, Baird Webel ва Carolyn Cobbнинг бу борадаги илмий изланишлари эътиборимизни тортди [9]. Ушбу муаллифнинг ёзишича, суғурта фаолиятини тартибга солишнинг классик шаклланган мақсади суғурта компанияларининг тўлов қобилияти ва уларнинг бизнес фаолиятини мониторинг қилиш орқали суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Baird Webel фикрини давом эттириб, таъкидлайдики, ғоя шундан иборатки, одатда, суғурта маҳсулоти истеъмолчилари суғурта компанияси билан бир хил позицияда турмайди, шу туфайли, суғурта шартномаси шартларини давлат назорат қилиши лозим.

Henry Ellis умумий суғурта тармоғида фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларига нисбатан ҳаётни суғурталаш билан шуғулланаётган компаниялар фаолиятини давлат томонидан қаттиқ тартибга солиш ва назорат қилиш керак, деган фикрни илгари сурган [10]. Уни таъкидлашча, суғурта полиси эгалари, наф олувчилар ва акциядорларга тегишли бўлган йирик миқдордаги пул маблағларини сақловчи ва ҳаракатга келтирувчи ҳаётни суғурталашга ихтисослашган компаниялар фаолиятини назорат қилиш ўринли. Бунга асосий сабаб шуки, ушбу тоифадаги суғурта компанияларининг иқтисодий ночор ҳолатга тушиб қилиши ва молиявий барқарорлигини йўқотиши, пировардида, салбий иқтисодий ва сиёсий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунга кўра, умумий суғурта тармоғида фаолият юритадиган суғурта компанияларига нисбатан ҳаётни суғурта қилувчи компаниялар фаолиятини қаттиқроқ назорат қилиш зарур, деган хулосага келган Henry Ellis.

И.Пугач суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича илмий қарашларини баён этиб шуни таъкидлайдики, суғурта секторида давлатнинг тартибга

солиш бўйича фаоллиги XX асрнинг 90 йилларига нисбатан бугунги кунда сезиларли ошган [11]. Уни баён этишича, бунга иккита сабаб мавжуд: биринчидан, ҳалокатли зарарлар эҳтимолини камайтиришга йўналтирилган хўжалик субъектлари ўртасидаги таваккалчиликларни тақсимлаш барқарор иқтисодий ўсишнинг шарти ҳисобланади. Иккинчидан, суғурта компаниялари иқтисодиётга инвестицион ресурсларни, шу жумладан, узоқ муддатли инвестицион ресурсларни етказиб берувчи муҳим молиявий ташкилот сифатида намоён бўлади.

Суғурта фаолиятини тартибга солувчи органлар, нафақат, мамлакат ҳудудидаги суғурталовчилар, балки ушбу мамлакатда фаолият кўрсатаётган хорижий суғурта компанияларини ҳам назорат қилади. Бунда, ҳар бир давлат тегишли қонунчилик ҳужжатларига асосан мамлакатда фаолият юритаётган хорижий суғурта компанияларига нисбатан талабларни белгилайди. Бу ҳақда И.Котловский ва А.Саган шундай ёзади: "Хитой Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнида миллий суғурта ташкилотлари учун етарли даражадаги "потекционистик" чораларни кўришни қаттиқ туриб ҳимоя қилган" [12]. Гап шундаки, Хитой қонунчилиги ушбу мамлакатда суғурта бизнесини юритмоқчи бўлган хорижий суурта компанияларининг капитализация ва рейтинг баҳолаш даражаси бўйича қаттиқ талабларни белгилаган.

И.Абдурахмонов ўз тадқиқотида суғурталашни давлат томонидан тартибга солиш воситаларидан фойдаланиш умуман иқтисодиётнинг, хусусан молия секторининг стратегик ривожланиш мақсадларига мувофиқ бўлиши керак, деган хулосага келган [13]. Шунингдек, у суғурта фаолиятини молиявий тартибга солиш тизимини шакллантиришга илмий асосланган ёндашувнинг асоси макро ва микро даражаларни қамраб олган пруденциал тартибга солиш механизмига асосланиши керак, деб ҳисоблайди.

Суғурта фаолиятини тартибга солишнинг халқаро амалиётига доир хорижий олим ва мутахассислар томонидан етарли даражада илмий тадқиқотлар амалга оширилган ва мақолалар нашр этилган. Бироқ, мамлакатимизда ушбу мавзуда илмий изланишлар етарли даражада олиб борилмаяпти. Шу боис суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг халқаро тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистонда суғурта фаолиятини тараққий эттириш ва тартибга солиш услубларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси

Хорижий ва маҳаллий олим ҳамда экспертларнинг мавзуга оид илмий-тадқиқот ишлари, иқтисодий адабиётлари ва илмий мақолалари, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Organization for Economic Co-operation and Development), Суғурта назоратчиларининг халқаро ассоциацияси (International Association of Insurance Supervisors IAIS), Европа суғурта ва меҳнат пенсиялари хизмати (European Insurance and Occupational Pensions Authority) каби халқаро ташкилотларнинг ҳужжатлари ва таҳлилий маълумотлари мазкур мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида хизмат қилди.

Шунингдек, мақолани ёзиш жараёнида АҚШ Суғурта комиссарларининг миллий ассоциацияси (National Association of Insurance Commissioners), Англия Банкининг Пруденциал назорат хизмати (Prudential Regulation Authority (PRA), Англия молия бозорида ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш хизмати (Financial Conduct Authority (FCA), Германия Федерал молиявий назорат хизмати (Federal Financial Supervisory

Authority), Япония Молиявий хизматлар агентлиги (Financial Services Agency), Хитой банк ва суғуртани тартибга солиш комиссияси (China Banking and Insurance Regulatory Commission) каби ташкилотларнинг маълумотларидан фойдаланилди.

Мавзу доирасида илмий изланишлар олиб боришда суғурта фаолиятини тартибга солишга оид маълумотларни тизимлаштириш, таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил, эксперт баҳолаш ва прогнозлаш, мантикий фикрлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш суғурта (қайта суғурта) компанияларининг тўлов қобилятини мустаҳкамлаш, молиявий барқарор фаолият кўрсатиши орқали суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Айрим давлатларда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ягона давлат органи томонидан амалга оширилса (Белоруссия, Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқалар), бошқа давлатларда (Германия, Япония, Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар) “мегарегулятор” деб аталувчи бутун молия бозорини давлат томонидан тартибга солувчи ягона давлат органи томонидан амалга оширилади.

Дунё миқёсида глобал суғурта секторини тартибга солиш ва назорат қилишга оид тавсиявий тусдаги ҳужжатлар ва услубий кўрсатмалар тайёрлайдиган халқаро ташкилотлар мавжуд. Улар орасида Суғурта назоратчиларининг халқаро ассоциацияси (International Association of Insurance Supervisors) алоҳида ажралиб туради [14]. Ассоциацияга 1994 йилда асос солинган бўлиб, 2020 йил 1 октябрь ҳолатига дунёнинг 200 дан ортиқ юрисдикцияларининг суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи органлари кўнгилли тарзда аъзо бўлиб ҳисобланади. Ушбу давлатлар ҳиссасига бутун жаҳон бўйича йиғилган суғурта мукофотларининг 97 фоизи тўғри келади.

Ушбу халқаро ташкилот суғурта секторини тартибга солиш учун зарур бўлган стандартлар ва тартиб-таомилларни ишлаб чиқади. Ассоциация икки йилда бир марта барча аъзолар иштирокида йиғилиш ўтказиб туради ва унда халқаро суғурта секторини тартибга солиш ва назорат қилишда юзага келган муаммолар муҳокама этилади ва тавсиялар тайёрланади. Бугунги кунда ассоциацияга Жаҳон банки (World Bank), Халқаро валюта фонди (International Monetary Fund), Осиё тараққиёт банки (Asian Development Bank), Европа Иттифоқи Комиссияси (European Commission), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Organization for Economic Co-operation & Development), Молиявий барқарорлик институти (Financial Stability Institute) каби нуфузли ташкилотларнинг аъзо эканлиги Суғурта назоратчиларининг халқаро ассоциациясини нуфузи ва обрўси нечоғли баланд эканлигидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига кириши тўғрисида”ги 202-сон қарорига мувофиқ мамлакатимизда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ваколатига эга бўлган Молия вазирлиги Суғурта назоратчиларининг халқаро ассоциациясига аъзо бўлиб кирди [15]. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг Суғурта назоратчиларининг халқаро ассоциацияси билан ҳамкорлигини суғурта

қонунчилигини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини ошириш йўналишларида кучайтириш лозим бўлади.

Суғурта бозорини тартибга солишнинг халқаро тажрибасини ўрганиш ҳақида сўз борганда, аввало, АҚШнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш фойдадан холи эмас. Гап шундаки, АҚШ суғурта бозори, аксарият кўрсаткичлар бўйича дунё миқёсида етакчи мавқега эгалиги билан бизда илмий-амалий қизиқиш уйғотади. Swiss Re Institute халқаро тадқиқот марказининг маълумотларига кўра, 2018 йил якунлари бўйича АҚШ суғурта компаниялари томонидан жами 1 469,0 млрд.АҚШ доллари миқдорида суғурта мукофотлари келиб тушган [16]. Агар, шу йили глобал суғурта бозори бўйича тўпланган суғурта мукофотларининг миқдори 5 193,0 млрд.АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, бунда АҚШнинг ҳиссаси 28,3 фоизни ташкил этганлигини аниқлаш қийин эмас.

АҚШда суғурта фаолиятини тартибга солиш тизими бошқа давлатларнинг суғурта фаолиятини тартибга солиш тизимидан кескин ажралиб туради. Ушбу давлатда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш федерал даражада эмас, балки штатлар даражасида амалга оширилади. 1945 йилда АҚШ Конгресси суғурта бизнесини штатлар ҳукуматлари томонидан тартибга солиниши ижтимоий манфаатларга мос келишини назарда тутувчи Маккарран-Фергюсон Қонунини (McCarran–Ferguson Act) қабул қилди [17]. Ҳар бир штатда суғурта комиссариатлари ташкил этилган бўлиб, уларга суғурта комиссарлари раҳбарлик қилади.

АҚШда суғурта фаолияти расман штатлар доирасида тартибга солинсада, шу билан бирга федерал даражада ташкил этилган турли ташкилот ва ассоциациялар мавжуд. Улардан бири 1871 йилда АҚШ штатларининг суғурта соҳасини тартибга солувчи органлари бир штат доирасидан ташқари, бошқа штатларда ҳам суғурта хизматларини кўрсатадиган суғурта компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласини ҳал қилиш мақсадида Суғурта комиссарларининг миллий ассоциациясини (National Association of Insurance Commissioners - NAIC) ташкил этган [18]. Ассоциация томонидан АҚШ суғурта компаниялари учун ягона бўлган молиявий ҳисоботни ишлаб чиқилганлиги муҳим аҳамият касб этди. Шундан сўнг янги ассоциация томонидан яратилган қонунчилик концепциялари, маълумотларни тўплаш ва уларни етказишнинг янги тажрибаси ҳамда йирик технологик салоҳият сари интилиши NAICни кўп қиррали мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органи сифатидаги ролини янада оширди.

Ҳозирги кунда АҚШ суғурта комиссарларининг миллий ассоциацияси штатларнинг суғурта комиссариатларига суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти, молиявий ҳисоботи, таваккалчиликка асосланган капиталнинг етарлилиги, бухгалтерия ҳисоби, қайта суғурта, инвестиция ва халқаро суғурта соҳаларида техник экспертиза хизматини кўрсатмоқда.

2010 йилда АҚШ Конгресси Уолл-стрит ва истеъмолчиларни ҳимоя қилиш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида Додд-Фрэнк Қонунини (Dodd–Frank Wall Street Reform and Consumer Protection Act) қабул қилди [19]. Ушбу қонунга асосан АҚШ фазначилик департаменти (U.S. Department of the Treasury's) таркибида суғурта секторининг барча йўналишларини мониторинг қилиш, суғурта фаолиятининг пруденциал жиҳатлари бўйича халқаро ташкилотларда, жумладан Суғурта назоратчиларининг халқаро ассоциациясида АҚШ номидан иштирок этиш каби

вазифалар юклатилган Федерал суғурта офиси (Federal Insurance Office) ташкил этилган [20].

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий модели Буюк Британия ва Германияда шаклланган десак, асло муболаға бўмайди. Буюк Британия суғурта бозори дунёда энг ривожланган бозорлар тоифасига мансуб бўлиб, суғурта компанияларининг аксарияти хорижий мамлакатларда ўз филиаллари ва ваколатхоналарига эга.

2013 йил 1 апрелдан Буюк Британияда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ишларини қуйидаги иккита ташкилот амалга оширади:

- Англия Банкининг Пруденциал назорат хизмати (Prudential Regulation Authority, PRA);
- Молия бозорларида ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш хизмати (Financial Conduct Authority)

Пруденциал назорат хизмати, нафақат молия-кредит ташкилотларининг, балки инвестиция ва суғурта компанияларининг фаолиятини назорат қилади. Унинг асосий вазифаси мазкур компанияларнинг хавфсиз ва ишончли фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳисобланади. Хизмат суғурта компанияларининг молиявий ҳолатини баҳолайди, полис эгаларининг етарли даражада ҳимояланишини таъминлайди. Пруденциал назорат хизматининг ваколатлари 2012 йилда қабул қилинган “Молиявий хизматлар тўғрисида”ги (the Financial Services Act) Қонунда ўз аксини топган (21).

Молия бозорларида ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш хизмати 2013 йил 1 апрелдан фаолият юритади ва унинг асосий вазифаси молия бозорининг яхши ишлашини таъминлаш, молиявий хизматлар истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, самарали рақобат муҳитини яратиш ҳисобланади [22]. Мазкур хизмат мустақил давлат органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолияти натижалари бўйича Буюк Британия молия тизими учун масъул бўлган - Англия Ҳазначилигига ва ва Парламентига ҳисобдордир. Молия бозорларида ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш хизмати тўлиқ ўзининг назоратида бўлган компаниялар томонидан молиялаштирилади. Шунингдек, суғурта агентлари ва брокерларининг фаолияти ҳам мазкур ташкилот томонидан тартибга солинади.

Европада суғурта фаолиятини тартибга солиш соҳасида илғор тажриба орттирган Германияда бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни тадқиқ қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Германияда суғурта компанияларининг фаолиятини назорат қилиш “Суғурта назорати тўғрисида”ги Қонунга (Versicherungsaufsichtsgesetz - VAG) асосланади. 2002 йил 1 майда Суғурта назорати федерал хизмати Банк назорати ва қимматли қоғозлар федерал хизматлари билан бирлашди ва унинг негизида ҳозирги кунда ҳам фаолият кўрсатиб келаётган Германия Молиявий назорат федерал хизмати (Bundesanstalt für Finanzdienstleistungsaufsicht - BaFin) ташкил этилди [23]. “BaFin” деб аталувчи мазкур хизматнинг асосий вазифаси молия секторининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш орқали молиявий маҳсулотлар, шу жумладан суғурта маҳсулотлари истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

“Суғурта назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 294-моддасига мувофиқ BaFin суғурта қилинган шахсларнинг лозим даражада ҳимояланганлигини, суғурта шартномалари бўйича суғурта компанияси ўз зиммасига олган мажбуриятлар доимо

бажарилишини ҳамда бизнес-жараён тўғри ва қонунчилик нормаларига риоя этган ҳолда амалга ошириладиганлигини таъминлайди. Шундан келиб чиқиб, BaFin суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини таъминлашга алоҳида эътибор қаратади. Чунончи, суғурталовчилар мажбуриятларнинг тўла-тўқис бажарилишини таъминлаш учун мос даражада техник захираларни шакллантириши, ўзининг активларини "ақл-идрок тамойили"га мувофиқ инвестиция қилиши ҳамда яхши бизнес амалиёти қоидаларига риоя қилишлари зарур.

Германия молиявий назорат Федерал хизмати амалдаги қонунчилик талабларини бузган барча суғурта компанияларига тегишли жазо чораларини қўллаш ваколатига эга. "Суғурта назорати тўғрисида"ги Қонунга асосан суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларига зиён келтирадиган ҳар қандай салбий ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўладиган тартибга солиш бўйича турли меъёрий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин. Бунга яна қўшимча равишда Федерал хизмат суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларига зарар келтирадиган ҳолатларда суғурта компаниясининг директорлар Кенгаши, Кузатув кенгаши ва бошқа бошқарув тузилмасини алмаштириш йўли билан махсус комиссарни тайинлашга ҳақли. Албатта, Германиянинг ушбу тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш самарали бўлиши мумкин.

Суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича Япония тажрибаси ҳам диққатга сазовор. Чунки, Япония суғурта сектори дунёда АҚШ, Европа давлатлари билан рақобатлашиш салоҳиятига эга. 2018 йил якунлари бўйича мазкур давлат суғурта компаниялари томонидан 440,6 млрд.АҚШ доллари миқдорида суғурта мукофотлари тўпланган. Ушбу кўрсаткич бўйича Япония дунёда АҚШ ва Хитойдан кейин учинчи ўринни эгаллаган [16].

Японияда суғурта фаолиятини тартибга солиш Молиявий хизматлар агентлиги (Financial Services Agency) томонидан амалга оширилади [24]. 1995 йили қабул қилинган "Суғурта бизнеси тўғрисида"ги Қонунда (Insurance Business Act Japan) суғурта компанияларининг фаолиятини назорат қилишга оид меъёрлар мавжуд [25]. Шуниси эътиборлики, суғурта компанияларига фаолиятни амалга ошириш бўйича лицензияни ҳамда уни чақириб олишни Япония Бош вазири амалга оширади. "Суғурта бизнеси тўғрисида"ги Қонун доирасида Молиявий хизматлар агентлиги суғурта компаниялари, суғурта холдинг компаниялари, суғурта брокерлари ва уларнинг филиалларини текширишга ва ҳисоботлар талаб қилишга ҳақли. Шунингдек, Агентлик қонунчилик ҳужжатларига риоя этилмаган тақдирда суғурта компаниялари, шу жумладан суғурта холдинг компанияларига маъмурий чоралар кўриш ваколатига ҳам эга.

Молиявий хизматлар агентлиги "Суғурта бизнеси тўғрисида"ги Қонун доирасида қоидалар ишлаб чиқиши мумкин. Суғурта компаниялари ҳар бир молия йили учун оралиқ бизнес-ҳисобот ва йиллик ҳисоботни Агентликка тақдим этиши шарт. Молиявий ҳисоботга компаниянинг бизнес мақоми ва мулкига оид тушунтириш ҳужжатлари ҳам илова қилинади. Агар суғурта компанияси ўзининг таъсис шартномасидан ташқари, бошқа базавий ҳужжатларига ўзгартириш киритмоқчи бўлса, бу масалада Агентликнинг дастлабки рухсатномасини олиши талаб этилади.

Япониянинг "Суғурта бизнеси тўғрисида"ги Қонуни суғурта компанияси бизнесининг барқарорлигини баҳолаш стандарти сифатида тўлов қобилияти маржаси коэффицентини назарда тутди. Маржа коэффицентини эълон қилинган капитални

суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган стандарт прогноздан ошган эҳтимол тутилган таваккалчиликка мувофиқ келадиган захира ва бошқа пул маблағларига бўлиш орқали ҳисобланади. Суғурта компанияларига суғурта ва унга яқин бўлган фаолият турларидан бошқа ҳар қандай бизнес билан шуғулланишга йўл қўйилмайди [26].

1980 йилдан бошлаб Хитой суғурта секторининг ривожланиши жадаллашди ва ушбу соҳа иқтисодиётнинг энг тез равнақ топаётган соҳаларидан бирига айланди. Суғурта мукофотларининг йиллик ўсиши ўртача 30 фоизни ташкил этди ва натижада 2018 йилга келиб, Хитой суғурта сектори дунёда иккинчи ўринга чиқди. Суғуртада хусусий секторнинг ривожланиши билан соҳани давлат томонидан тартибга солишга эҳтиёж туғилди. 1995 йилда Хитойнинг "Суғурта тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди ва ушбу қонун асосида Хитой халқ банки таркибида суғурта компанияларини назорат қилиш функцияси юклатилган Суғурта бўлими ташкил этилди [27]. Кейинчалик ушбу бўлим негизида Хитой суғурта фаолиятини тартибга солиш комиссияси тузилди.

2018 йил 18 мартда халқ вакилларининг бутун Хитой йиғилишида давлатни институционал ислоҳ қилиш режаси эълон қилинди. Унга мувофиқ Хитой халқ банки банк ва суғурта фаолиятини тўғридан-тўғри назорат қилиш вазифасини ўз зиммасига олди. 2018 йил 8 апрелда Хитой банк фаолиятини тартибга солиш комиссияси (China Banking Regulatory Commission) ва Хитой суғурта фаолиятини тартибга солиш комиссияси (China Insurance Regulatory Commission) тугатилиб, унинг негизида ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган Хитой банк ва суғурта ишини тартибга солиш комиссияси (China Banking and Insurance Regulatory Commission) ташкил этилди [28]. Ушбу комиссиянинг асосий вазифаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ молия хизматлари истеъмолчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, банк ва суғурта секторларининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашдан иборат.

Сўнги ўн йилликда Хитой суғурта бозори тез суръатлар билан ривожланиш тенденцияларини намоён қилмоқда. Pedro Gonçalves Хитой суғурта секторининг салоҳияти ҳақида тўхталиб, Пекиннинг суғурта тармоғи учун биринчи миллий стандартни ишлаб чиққанлиги унинг дунё суғурта бозорида суғурта мукофотлари ҳажми бўйича иккинчи ўринни эгаллашга бўлган интилишидан далолат беради, деб ҳисоблайди [29]. Хитой банк ва суғурта ишини тартибга солиш комиссиясининг маълумотларига кўра, миллий стандарт 817 та моддадан иборат бўлиб, суғурта секторига оид барча терминларга фундаментал аниқлик киритади. Шунингдек, миллий стандартда барча суғурта маҳсулотлари, суғурта шартномаси, суғурта қопламалари, маркетинг ва сотиш бўйича атрофлича маълумотлар берилган. Миллий стандарт суғурта маҳсулоти истеъмолчиларига мўлжалланган бўлиб, суғурта компаниялари томонидан тақдим этиладиган суғурта маҳсулотлари тўғрисида яхши тушунча олишда истеъмолчиларга ёрдам беради.

2018 йилда Хитойнинг суғурта сектори бўйича тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми 3,8 трлн. юанни (567 млрд.АҚШ доллари) ташкил этиб, ушбу кўрсаткич бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллади.

Хулоса ва таклифлар

Суғурта фаолиятини тартибга солишнинг халқаро тажрибасини ўрганиш ва таҳлил этишга оид биз томондан амалга оширилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни чиқариш ва таклифларни шакллантириш имкониятини яратди.

Суғурта секторини тартибга солиш билан боғлиқ бутун дунё мамлакатлари суғурта назорати органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Суғурта назоратчиларининг халқаро ассоциацияси суғурта фаолиятини тартибга солишга доир турли стандартлар, тавсиялар ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш орқали глобал суғурта секторининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашга маълум даражада ҳисса қўшмоқда.

Тадқиқот натижалари дунё миқёсида давлатларнинг суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш модели уч турга бўлинишини кўрсатди. Биринчи турга, суғурта фаолиятини тартибга солиш бутун молия секторини қамраб олмасдан, фақат, суғурта фаолияти давлат органлари томонидан тартибга солинади. Бунга Белоруссия, Ўзбекистон ва Тожикистон каби давлатларни мисол келтириш мумкин. Иккинчи турга суғурта ва банк фаолиятини тартибга солиш биргаликда, яъни ягона давлат органи томонидан амалга ошириладиган мамлакатларни киритиш мумкин. Масалан, Хитойда суғурта ва банк фаолиятини тартибга солиш ягона давлат органи томонидан амалга оширилади. Учинчи турга бутун молия секторини, банк, суғурта, инвестиция компаниялари, қимматли қоғозлар ва бошқа молия-кредит ташкилотларини тартибга солиш ваколатига эга бўлган давлат органлари мавжуд мамлакатлар киритилади. Масалан, Германия, Япония, Буюк Британия ва АҚШнинг айрим штатлари, хусусан, Флорида штатида молия-кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қиладиган ягона давлат органи мавжуд.

Европа Иттифоқи Комиссияси таркибида ташкил этилган Европа суғурта ва меҳнат пенсиялари хизмати Еврохудудда жойлашган суғурта компанияларининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича аъзо-давлатларнинг миллий органларига суғурта назоратини тўғри ва самарали ташкил этиш мақсадида турли стандартлар, масалан 2016 йил 1 январдан кучга кирган халқаро Solvency II стандартини жорий қилиш, миллий қонунчилик ҳужжатларини Иттифоқ доирасида мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш борасида ўзига хос ўринни эгаллайди.

Бизнинг фикримизча, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония ва Хитой каби суғурта сектори юқори даражада ривожланган давлатларнинг суғурта соҳасини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича тажрибасини ўрганиш тартибга солиш билан боғлиқ баъзи жиҳатларни Ўзбекистон суғурта секторини тартибга солишда қўллаш мумкин, деган хулоса чиқаришга асос бўлди.

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг Суғурта назоратчиларининг халқаро ассоциацияси билан ҳамкорлигини янада кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ҳамкорлик йўналишлари мамлакатимизда суғурта фаолиятини тартибга солиш жараёнида халқаро ташкилот томонидан ишлаб чиқилган стандартлар, услубий кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатларидан самарали фойдаланиш, шунингдек кадрлар салоҳиятини ошириш ишларини қамраб олиши даркор.

АҚШ суғурта комиссарларининг федерал ассоциацияси ва штатларнинг суғурта комиссариатлари ўртасида суғурта секторини тартибга солиш юзасидан ишчан ва самарали алоқа ўрнатилган. Бу фақат суғурта секторини ривожланишига хизмат қилади. Назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ва Суғурта бозори профессионал иштирокчилари

ассоциацияси ўртасида суғурта бозорини тартибга солиш ва назорат қилиш борасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари, Хитой банк ва суғурта ишини тартибга солиш комиссияси томонидан суғуртанинг фундаментал терминлари, барча суғурта маҳсулотлари, суғурта шартномаси, суғурта қопламалари, маркетинг ва сотиш бўйича атрофлича маълумотларни ўз ичига олган миллий стандартнинг ишлаб чиқилганлиги бизда катта қизиқиш уйғотди. Фикримизча, мана шундай стандартни Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки, мазкур стандарт орқали кўп сонли суғурта маҳсулоти истеъмолчилари суғурта фаолиятига оид билим ва қарашларини ўзгартириш имкониятига эга бўлади.

Юқоридагиларни умумлаштириб таъкидлаш мумкинки, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш натижалари бўйича шакллантирилган хулоса ва таклифлар мамлакатимизнинг суғурта фаолиятини тартибга тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bland David, Insurance: Principles and Practice, The Chartered Insurance Institute, 1993, ISBN 1-85369-112-7, page 26.
2. Shennaev X. O'zbekiston su'gurta bozori. Toshkent, Iqtisod-Moliya nashriyoti, 2013. – 130-bet.
3. At the heart of insurance and pensions supervision in Europe, <https://www.eiopa.europa.eu/>.
4. Жегалова Е. Развитие регулирования и надзора на мировом страховом рынке в условиях глобализации: зарубежный и российский опыт. Экономические науки, 10(131), 2015.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4459802>.
6. Robert W. Klein, Principles for Insurance Regulation: An Evaluation of Current Practices and Potential Reforms, The Geneva Papers on Risk and Insurance - Issues and Practice volume 37, pages175–199 (2012).
7. Andy Winkler, Developments in the Regulation of Global Insurers: A Primer, may 13, 2015. <https://www.americanactionforum.org/research/developments-in-the-regulation-of-global-insurers-a-primer/>.
8. Policy Guidance on the Structure of Insurance Regulation and Supervision, OECD 2020, <http://www.oecd.org/finance/insurance/Policy-Guidance-on-the-Structure-of-Insurance-Regulation-and-Supervision.htm>.
9. Baird Webel, Carolyn Cobb, Insurance Regulation: History, Background, and Recent Congressional Oversight. <https://www.everycrsreport.com/reports/RL31982.html>.
10. Henry Ellis, Government Regulation of Insurance Companies, Journal A Guide to Insurance Management, Palgrave Macmillan, London. https://doi.org/10.1007/978-1-349-07495-2_17, Online ISBN 978-1-349-07495-2, https://link.springer.com/chapter/10.1007/978-1-349-07495-2_17.
11. Пугач И., Государственное регулирование страхового рынка Узбекистана и пути его совершенствования, журнал «Экономическое обозрение», №11 (122), 2009., стр.33.

12. Котловский И.Б., Саган А.И., Государственное регулирование страхового рынка России в условиях вступления в ВТО. Журнал «Финансы», №12, 2012. стр. 50.
13. Абдурахмонов И., Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш, "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. №2, апрель, 2020 йил.
14. About the International Association of Insurance Supervisors (IAIS), <https://www.iaisweb.org/page/about-the-iais/>.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига кириши тўғрисида"ги 202-сон қарори, <https://www.lex.uz/ru/docs/1391267>.
17. McCarran–Ferguson Act. https://en.wikipedia.org/wiki/Insurance_in_the_United_States#cite_ref-14.
18. National Association of Insurance Commissioners. A Tradition of Consumer Protection https://content.naic.org/index_about.htm.
19. Mayhall, Van, III. "A Brief Chronicle of Insurance Regulation in the United States, Part II: From McCarran-Ferguson to Dodd-Frank". Insurance Regulatory Law. Archived from the original on 20 January 2013. https://en.wikipedia.org/wiki/Insurance_in_the_United_States#cite_note-Mayhall-16.
20. Federal Insurance Office. <https://home.treasury.gov/policy-issues/financial-markets-financial-institutions-and-fiscal-service/federal-insurance-office/about-fio>.
21. The Financial Services Act. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2012/21/enacted>.
22. About the FCA. <https://www.fca.org.uk/about/the-fca>.
23. Insurance Supervision in Germany. History of Insurance Supervision https://www.bafin.de/EN/DieBaFin/AufgabenGeschichte/Versicherungsaufsicht/versicherungsaufsicht_node_en.html.
24. Shinichi Takahashi, Yukihito Machida, Takahiro Sato and Ayako Onishi, Nishimura and Asahi. A Q&A guide to insurance and reinsurance in Japan [https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/0-501-3163?transitionType=Default&contextData=\(sc.Default\)&firstPage=true&bhcp=1](https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/0-501-3163?transitionType=Default&contextData=(sc.Default)&firstPage=true&bhcp=1).
25. Insurance Business Act Japan. Act No. 105 of June 7, 1995, http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail_main?re=&vm=2&id=2054.
26. Hironori Nishikino, Koji Kanazawa. Chambers Global Practice Guides. Japan – Law and Practice, Contributed by Chuo Sogo Law Office, P.C. Insurance
27. Bingzheng Chen, Sharon Tennyson, Maoqi Wang, Haizhen Zhou, The Development and Regulation of China's Insurance market: History and perspectives. Risk Management and Insurance Review, 2013, Vol. 17, No. 2, 241-263? DOI: 10.1111/rmir.12012.
28. Guide for Foreign Investors in China's Banking and Insurance sectors, The Insurance Asset Management Association of China Law Offices, May 2019.
29. Pedro Gonçalves, China sets national standards for insurance industry, <https://www.internationalinvestment.net/news/4001824/china-sets-national-standards-insurance-industry>.